



## THE ROLE OF PROSECUTORIAL SUPERVISION AT THE PRE-INVESTIGATION STAGE

**Zaynobiddinov Akbarjon Akramjon ugli**

Master's Student at the Law Enforcement Academy of the  
Republic of Uzbekistan.

Prosecutor of the Department for Analysis of the Criminogenic  
Situation of the Prosecutor's Office of Tashkent Region.

email: [ajon1990@mail.ru](mailto:ajon1990@mail.ru)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20640322>

### ARTICLE INFO

Received: 02<sup>nd</sup> June 2026

Accepted: 08<sup>th</sup> June 2026

Online: 09<sup>th</sup> June 2026

### KEYWORDS

Pre-investigation,  
prosecutorial supervision,  
criminal process, human  
rights, legality,  
supervisory function,  
investigative powers,  
prosecutor, procedural  
guarantees.

### ABSTRACT

*This article analyzes the role, significance, and legal nature of prosecutorial supervision at the pre-investigation stage in the criminal process. The author considers this stage to be the most critical in terms of its impact on human rights and freedoms, arguing that the effectiveness of prosecutorial supervision at this stage is of decisive importance. Furthermore, it is examined from a scientific and polemical perspective that the primary function of the prosecution authorities is not to conduct investigative actions, but to ensure legality and exercise independent oversight over the activities of investigative bodies. The article also analyzes existing contradictions between theory and practice and presents conclusions and recommendations for improving prosecutorial supervision.*

## РОЛЬ ПРОКУРОРСКОГО НАДЗОРА НА СТАДИИ ДОСЛЕДСТВЕННОЙ ПРОВЕРКИ

**Зайнобиддинов Акбаржон Акрамжон ўғли**

Слушатель магистратуры Правоохранительной  
академии Республики Узбекистан,

Прокурор отдела анализа криминогенной обстановки прокуратуры Ташкентской  
области., email: [ajon1990@mail.ru](mailto:ajon1990@mail.ru)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20640322>

### ARTICLE INFO

Received: 02<sup>nd</sup> June 2026

Accepted: 08<sup>th</sup> June 2026

Online: 09<sup>th</sup> June 2026

### KEYWORDS

Доследственная  
проверка, прокурорский  
надзор, уголовный  
процесс, права человека,  
законность, функция  
надзора, полномочия  
следствия, прокурор,

### ABSTRACT

*В данной статье анализируется роль, значение и правовая природа прокурорского надзора на стадии досудебного расследования в уголовном процессе. Автор рассматривает эту стадию как наиболее значимую с точки зрения воздействия на права и свободы человека, обосновывая, что эффективность прокурорского надзора на данном этапе имеет решающее значение. Кроме того, научно и полемически раскрывается, что основная функция органов прокуратуры заключается не в проведении следственных действий, а в обеспечении законности и*



процессуальные  
гарантии.

осуществлении независимого надзора за  
деятельностью следственных органов.  
Анализируются существующие противоречия между  
теорией и практикой, а также выдвигаются выводы  
и предложения по совершенствованию прокурорского  
надзора.

## ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ БОСҚИЧИДА ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ЎРНИ

**Зайнобиддинов Акбаржон Акрамжон ўғли**

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг  
магистратура босқичи тингловчиси,

Тошкент вилояти прокуратураси Криминоген вазиятни таҳлил бўлими  
прокурори, email: [ajon1990@mail.ru](mailto:ajon1990@mail.ru)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20640322>

### ARTICLE INFO

Received: 02<sup>nd</sup> June 2026

Accepted: 08<sup>th</sup> June 2026

Online: 09<sup>th</sup> June 2026

### KEYWORDS

Терговга қадар  
текширув, прокурорлик  
назорати, жиноят  
процесси, инсон  
ҳуқуқлари, қонунийлик,  
назорат функцияси,  
тергов ваколати,  
прокурор, процессуал  
кафолатлар.

### ABSTRACT

Ушбу мақолада жиноят процессида терговга қадар  
текширув босқичида прокурорлик назоратининг ўрни,  
аҳамияти ва ҳуқуқий моҳияти таҳлил қилинади.  
Муаллиф томонидан мазкур босқич инсон ҳуқуқ ва  
эркинликларига энг кўп дахл этиладиган жараён  
сифатида баҳоланиб, айнан шу босқичда прокурор  
назоратининг самарадорлиги ҳал қилувчи аҳамиятга  
эгаллиги асослаб берилади. Шунингдек, прокуратура  
органларининг асосий вазифаси тергов қилиш эмас,  
балки қонунийликни таъминлаш ва тергов органлари  
фаолияти устидан мустақил назоратни амалга  
оширишдан иборат эканлиги илмий ва полемик  
ёндашув асосида ёритиб берилади. Амалиёт ва  
назария ўртасидаги мавжуд муаммолар таҳлил  
қилиниб, прокурорлик назоратини  
такомиллаштириш бўйича хулосалар ва таклифлар  
илгари сурилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон  
Республикасида жиноят тўғрисидаги  
ҳар қандай ариза, хабар ёки бошқа  
шаклдаги маълумотлар, айрим  
истисно ҳолатлардан ташқари, судга  
қадар иш юритиш шаклларида бири  
ҳисобланган терговга қадар текширув  
босқичида ўрганиб чиқилади. Бундай  
тартиб жиноят-процессуал  
қонунчиликка 2017 йилдан  
эътиборан жорий этилган бўлиб, унга

қадар мазкур босқич суриштирув  
босқичи сифатида белгиланган эди.

Ўзбекистон Республикасида  
кейинги йилларда жиноят-  
процессуал қонунчиликни  
такомиллаштириш, инсон  
ҳуқуқларини ҳимоя қилишни  
кучайтириш, прокуратура  
органларининг назорат  
ваколатларини аниқ белгилаш  
борасида қатор ислохотлар амалга



оширилди. Бироқ амалиёт таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, терговга қадар текширув жараёнида қонун бузилиш ҳолатлари, асоссиз қарорлар қабул қилиниши, мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқмаслик каби муаммолар ҳали ҳам мавжуд<sup>1</sup>.

Терговга қадар текширув — жиноят аломатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш, жиноят ишини қўзғатиш ёки рад этиш масаласини ҳал қилишга қаратилган процессуал фаолият ҳисобланади.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексида терговга қадар текширув жараёнида амал қилиниши лозим бўлган бир қатор талаблар мавжуд бўлиб, уларнинг бажарилиши нафақат шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, балки жиноят-процессуал қонун вазифаларининг самарали ижро этилишига ҳам хизмат қилади. Маълумки, терговга қадар текширув жараёнида шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш масаласи ўзининг долзарблиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Терговга қадар текширув босқичида прокурор назорати — жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқишда қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда асоссиз айбловларнинг олдини олишга қаратилган муҳим

фаолиятдир. Бу жараёнда прокурор терговга қадар текширув ўтказаетган органлар (ички ишлар, божхона, солиқ ва б.) фаолияти устидан бевосита раҳбарлик ва назоратни амалга оширади.

В.С.Щадриннинг фикрича, жиноят процессида шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг таъминланиш ҳолати ва самарадорлиги кўп жиҳатдан ушбу ҳуқуқлар ишни судга қадар юритиш жараёнида қай даражада таъминланаётганига боғлиқ. Жиноят-процессуал муносабатларда иштирок этаётган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланмаслиги ёки чекланиши билан боғлиқ муаммоли ҳолатлар айнан ишни судга қадар юритиш даврида вужудга келади<sup>2</sup>. Шунинг учун ҳам, ишни судга қадар юритиш босқичининг таркибий қисми бўлган терговга қадар текширув жараёнини тартибга солишда асосий эътибор, энг аввало шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга хизмат қиладиган аниқ процессуал жараёнларга қаратилмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, ушбу босқичда ариза, хабар ва бошқа маълумотлар текширилади.

Ушбу босқичнинг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

<sup>1</sup> Шамсиев А.А. Особенности прокурорского надзора за соблюдением прав и свобод человека при производстве предварительного расследования // Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари: мақолалар тўплами (I жилд).

– Тошкент: Бош прокуратура академияси, 2019. – С.303.

<sup>2</sup> Щадрин В.С. Процессуальные гарантии прав личности в уголовном судопроизводстве: понятие и доктринальное толкование // Закон и время. – 2003. – №3. – С.110.



жиноят ишларини асоссиз қўзғатишнинг олдини олиш;

шахсни ноқонуний жавобгарликка тортишдан ҳимоя қилиш;

жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ва фош этиш;

процессуал иқтисод принципини таъминлаш.

Айнан шу босқичда прокурор назоратининг самарали ташкил этилиши қонун устуворлигини таъминлашда ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Прокурорлик назорати жиноят ишини қўзғатишгача бўлган текширув босқичининг ўзига хос хусусиятлари билан шартланган. Айнан шу босқичда жиноят ишини қўзғатиш ёки уни қўзғатишни рад этиш тўғрисида дастлабки ва кўп жиҳатдан ҳал қилувчи қарор қабул қилинади. Ушбу босқичда йўл қўйилган хатолар ёки суиистеъмоллар шахсни адолатли суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқидан бутунлай маҳрум қилиши мумкин.

Жиноят процессидаги кейинги босқичлардан фарқли ўлароқ, жиноят ишини қўзғатишгача бўлган текширув минимал даражадаги процессуал кафолатлар билан тавсифланади. Текширувга жалб этилган шахслар жиноят процесси иштирокчиси мақомига эга эмас бўлиб, бу ҳолат уларнинг ҳимоя ҳуқуқини, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигидан шикоят қилиш, шунингдек ҳуқуқий ёрдам олиш имкониятларини жиддий

равишда чеклайди. Бундай шароитда прокурорлик назорати қонунийликни таъминлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий кафолати сифатида намоён бўлади.

Бундан ташқари, прокурорлик назорати суриштирув ва тергов органлари томонидан жиноят-процессуал қонун нормаларининг ягона ва тўғри қўлланилишини таъминлаш, шунингдек процессуал қарорлар қабул қилишда идоралараро (ведомстволик) ёндашувнинг олдини олиш учун ҳам зарур ҳисобланади.

С.В. Бородиннинг фикрига кўра, жиноят ишини қўзғатишгача бўлган текширув амалда «яширин тергов шакли»ни ташкил этади, унинг доирасида мазмуни жиҳатидан далилларга яқин бўлган, бироқ тегишли процессуал кафолатлардан маҳрум маълумотлар тўпланади<sup>3</sup>. Бундай шароитда, муаллифнинг фикрича, прокурорлик назорати текширув иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ягона самарали механизми сифатида компенсатор аҳамият касб этади.

Ўхшаш фикрни русс олими Е.Б. Мизулина ҳам билдириб ўтиб, унга кўра, прокурорлар томонидан жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорларни оммавий равишда бекор қилиниши суриштирув органлари фаолиятида тизимли муаммолар мавжудлигидан

<sup>3</sup> Бородин С.В. Проблемы правового регулирования доследственной проверки сообщений о преступлениях // Журнал

российского права. — 2015. — № 7. — С. 45–52.



далолат беришини таъкидлайди<sup>4</sup>. Олимнинг фикрича, бу ҳолат жиноят ишини кўзғатишгача бўлган текширув босқичида прокурорлик назоратини кучайтириш зарурлигини тасдиқлайди.

Прокурорлик назорати терговга қадар текшириш босқичидаги роли бу биринчидан, жиноят ишини кўзғатишгача бўлган текширув кўп ҳолларда жиноят иши кўзғатилмасдан туриб амалдаги терговга айланиб қолади. Текширув жараёнида тушунтиришлар олинади, кўздан кечиришлар ўтказилади, экспертизалар тайинланади, бироқ бунда дастлабки тергов босқичи учун назарда тутилган процессуал кафолатлар мавжуд бўлмайди. Бу эса тортишувчанлик принципи ва шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш принципларининг бузилиши хавфини келтириб чиқаради.

Иккинчидан, жиноят тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқишда расмий (формал) ёндашув қўлланилиши характерли муаммо ҳисобланади. Суриштирув органлари кўпинча жиноят ишини кўзғатишни рад этишга йўналтирилган бўлиб, бу юзаки текширув ўтказилиши ва асоссиз процессуал қарорлар қабул қилинишида намоён бўлади. Бундай қарорларнинг прокурорлар томонидан оммавий равишда бекор қилиниши ушбу муаммонинг тизимли хусусиятга эга эканлигини тасдиқлайди.

Учинчидан, жиноят ишини кўзғатишгача бўлган текширув

муддатларининг бир неча маротаба узайтирилиши имконияти ҳам жиддий камчилик ҳисобланади. Бу ҳолат процесснинг асоссиз равишда чўзилишига, оқилона муддатлар принципининг бузилишига ҳамда ариза берувчининг самарали суд ҳимоясидан амалда маҳрум этилишига олиб келади.

Амалдаги Қонунчиликга мувофиқ, терговга қадар текшириш муддати 10 куни ташкил этиб, Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасининг алоҳида ҳолатларда мазкур муддат прокурор томонидан 1 ой муддатгача узайтирилиши мумкинлиги белгиланган.

Бундай ҳолатларга; 1) ўтказиш учун кўп вақт талаб қиладиган экспертиза, хизмат текшируви, тафтиш ёки бошқа текширув тайинланган бўлса; 2) олис жойларда бўлган ёки чақирувга биноан ҳозир бўлишдан бўйин товлаётган шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш зарур бўлса; 3) янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча тарзда текширмасдан туриб қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаса, 4) етказилган моддий зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаш ва (ёки) жиноят оқибатларини бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси махсус қисмининг тегишли моддасида белгиланган муддат ўтмаган бўлсагина узайтирилиши белгиланган.

Бироқ, амалиётда терговга қадар текшириш ҳаракатларини олиб борилаётган орган мансабдор

<sup>4</sup> Мизулина Е.Б. Прокурорский надзор в досудебных стадиях уголовного процесса // Законность. — 2016. — № 4. — С. 12–18.



шахслари етарлича далил ва исботлар йиғилмаганлиги туфайли, муддат келиб қолганлиги боис терговга қадар текшириш материални жиноятни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиб, етарли далиларни тўплаб бўлгач, прокурор томонидан терговга қдар текшириш ҳаракатлари олиб борган шахснинг қарори бекор қилиниб, қайтадан тергов қадар текшириш ҳаракатларига киришилади.

Мана шу вазиятда кўриямизки, ўтказилиши кўп вақт оладиган процессуал ҳаракатлари мисол учун комиссия экспертiza тайинланган бўлса, терговга қадар текшириш ҳаракатлари ўтказган мансабдор шахс, экспертiza хулосасини олиб қонуний қарор қабул қилгунига қадар текшириш ҳужжатида муддат етмаганлиги боис вақтинча жиноят ишини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиб, уни прокурор бекор қилиб бериб, қайтдан ҳаракатларга киришаётганлигини кўришимиз мумкин.

Шу боис бизнинг фикримизча, агарда терговга қадар текшириш босқичида кўп вақт талаб қилинадиган экспертiza тайинланган бўлса, терговга қадар текшириш муддатини тўхтатиб туриш фақатгина прокурорнинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин деган хулосага келмоқдамиз.

Жиноят процессуал кодексининг 39<sup>1</sup>-моддасига кўра, Терговга қадар текширув қўйидагилар томонидан амалга оширилади:

- 1) ички ишлар органлари;
- 2) ҳарбий қисмлар, кўшилмаларнинг командирлари,

ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртларининг бошлиқлари — уларга бўйсунувчи ҳарбий хизматчилар, шунингдек ўқув машқлари ўтказилаётган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича; Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ходимларининг хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ жиноятлари ёки қисм, кўшилма, муассаса ёхуд ўқув юрти жойлашган ерда содир этган жиноятларига доир ишлар бўйича;

3) давлат хавфсизлик хизмати органлари — қонунга кўра уларнинг юритишига берилган ишлар бўйича;

4) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов ҳибсхоналари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари — шу муассасалар ходимлари хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилган жиноятларга доир ишлар, худди шунингдек мазкур муассасалар ҳудудида содир этилган бошқа жиноятларга доир ишлар бўйича;

5) давлат ёнғиндан назорат қилиш органлари — ёнғинларга доир ва ёнғинга қарши қоидаларни бузганликка доир ишлар бўйича;

6) Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари — Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини бузганликка доир ишлар бўйича;

7) олис сафарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари;



8) давлат божхона хизмати органлари — божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузганликка доир ишлар бўйича;

9) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари — бюджет, солиқ ва валюта тўғрисидаги қонунчиликни бузганликка доир ишлар, шунингдек электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича;

10) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва унинг жойлардаги бўлинмалари — вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлашга, суд ҳужжатини ижро этмасликка, суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралашшга, банд солинган мол-мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этишга доир ишлар бўйича;

11) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари — бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида аниқланган молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларидаги

ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича.

13) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари — қонун билан уларнинг иш юритишига берилган ишлар бўйича.

14) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати — унинг юритувига тааллуқли ишлар бўйича<sup>5</sup>.

Кўриниб турибдики, терговга қадар текширув ҳаракатлари, бизнинг фикримизча, жиноятларнинг тегишлилигига мувофиқ равишда, яъни қайси тергов органига жиноят ишини тергов қилиш ваколати берилган бўлса, айнан шу орган томонидан амалга оширилиши лозим.

Шу билан бирга, терговга қадар текширувни амалга ошириш ваколатига эга бўлган 14 та орган қаторида прокуратура органлари назарда тутилганини кузатиш мумкин. Бироқ амалиёт шуни кўрсатадики, айниқса ҳаётга қарши жиноятлар<sup>6</sup> содир этилган ҳолатларда, терговга қадар текширув ҳаракатлари амалда прокуратура органлари ходимлари томонидан бажарилмоқда.

Жиноят процесси нуқтаи назаридан, прокуратура органлари қонун билан асосан назорат функциясини амалга оширувчи орган сифатида белгиланган бўлиб, уларга берилган ваколат ва вазифаларнинг ўзига хослиги шундаки, мазкур функциялар бошқа давлат органларига берилмаган.

<sup>5</sup> <https://lex.uz/docs/111460#3347244>

<sup>6</sup> <https://www.lex.uz/acts/111453>



Россиялик олим А.В. Смирнов терговга қадар текширувни “процессуал кафолатлар чекланган ҳудуд”<sup>7</sup> деб атаб, бу босқичда давлат манфаати шахс ҳуқуқларидан устун қўйилаётганини таъкидлайди. Унинг фикрича, агар мазкур босқичда кучли назорат механизми мавжуд бўлмаса, у ҳуқуқбузарликлар учун қулай майдонга айланади.

Бунга қарши равишда Н.П. Яблоков терговга қадар текширувни ортиқча формаллаштириш жиноятга қарши кураш самарадорлигини пасайтиради<sup>8</sup>, деб ҳисоблайди. Аммо ушбу позицияни танқид қилиш ўринли: самарадорликни баҳона қилиб, инсон ҳуқуқларини иккинчи даражага суриш ҳуқуқий давлат тамойилларига мутлақо зид.

Олимларнинг фикри шуни кўрсатябтики терговга қадар текшириш харакати, ёки дастабки тергов жараёни бўладими назорат керак. Бироқ прокуратура органларига тергов қилиш функцияси берилган экан, у ҳам ижро ва наоратчи бўлим қолмоқда.

Шу нуқтаи назарни **И.Л. Петрухин** ҳам қўллаб-қувватлаб, прокуратура тергов қилиш ҳуқуқига эга бўлган тақдирда, инсон ҳуқуқларини таъминлаш функцияси иккинчи даражага тушиб қолишини таъкидлайди<sup>9</sup>. Унинг фикрича, прокурор фуқаролар ҳуқуқларининг

ҳимоячиси сифатида қолиши учун у терговдан четда бўлиши лозим.

Бизнинг фикримизча ҳам юқоридаги икки олим фикри билан тўғри келмоқда. Агарда прокуратура тергов функция юклан экан ҳолисоналик ёқолади деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, терговга қадар текширув босқичи жиноят процессида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига энг кўп дахл этиладиган босқич ҳисобланади ва айнан шу босқичда прокурорлик назоратининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Прокурор мазкур жараёнда тергов органлари фаолияти устидан мустақил, холис ва принципиал назоратни амалга оширувчи субъект сифатида намоён бўлиши лозим.

Бироқ, прокуратурага тергов қилиш функциясини юклаш унинг назорат ваколатларини заифлаштиради, манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқаради ҳамда қонунийликни таъминлашдаги асосий вазифасини иккинчи даражага суриб қўяди. Шу боис, ҳуқуқий давлат тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, прокуратура тергов субъекти эмас, балки терговга қадар текширув босқичида қонунийлик ва инсон ҳуқуқларини таъминловчи асосий назорат институти сифатида фаолият юритиши мақсадга мувофиқдир.

<sup>7</sup> Досудебное производство в уголовном процессе. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2005.

<sup>8</sup> Криминалистика и уголовный процесс. – М.: Юрист, 2005.

<sup>9</sup> Прокурорский надзор в уголовном процессе. – М.: Юридическая литература, 1987.